



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим
муассасасига ижтимоийлаштириш**



Бажарди: Ш.Содикова

Текширди:

Тошкент-2013

МУНДАРИЖА

Кириш

I.Боб Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг назарий асослари.

1.1. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштириш педагогик муаммо сифатида.

I.2 Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштириш механизми.

II.Боб Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг педагогик омиллари.

II.1 Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг аҳамияти.

II.2 Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг иш тизими.

Хулоса.

Адабиётлар рўйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва ижтимоий тарбия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Республикада амалга оширилаётган таълимий ислохотлар жараёнида малакали кадрларни тайёрлашдек долзарб масаланинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, малакали мутахассислар, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти туфайли иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг муҳим талаблари корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада такомиллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этишда юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Ўтган вақт ичида жамиятда рўй берган туб ижтимоий ўзгаришлар, қарор топган янги ижтимоий муносабатлар таъсирида педагогик тафаккур ҳам янгиланди. Бунинг натижасида педагогик туркум фанлари мазмунан такомиллашди, янги ўқув фанларининг ўқитилиши йўлга қўйилди. Жумладан, педагогика олий таълим муассасаларида “Педагогик технология” ва “Ижтимоий педагогика” каби ўқув фанларининг ўқитилиши бўлажак ўқитувчиларда ижодий қобилият ҳамда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш имкониятини юзага келтирди. Амалга оширилаётган кенг кўламли таълимий ислохотларнинг якуний натижаси бўлган. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялашда “Ижтимоий-педагогика” ўқув фани катта имкониятларга эга.

Айни вақтда педагогика олий таълим муассасаларида мазкур фан асосида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ижобий ечимини топишга йўналтирилган педагогик фаолият кўлами жиҳатдан мураккаб бўлиб, у бир неча йўналишларда ташкил этилади. Шахсни ижтимоий муносабатларга мослашувини таъминлаш; ота-она қарови ва парваришидан маҳрум бўлган болалар билан ишлаш; нормадан оғиш ва девиация (шахс хулқ-атворининг мавжуд ижтимоий ва ахлоқий меъёрларга мос келмаслиги) ҳолатларини намоён этувчи, шунингдек, спиртли ичимликлар ҳамда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи болалар ва ўсмирлар ўртасида профилактик ишларни олиб бориш ижтимоий-педагогик фаолиятнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахс ва жамият муносабатлари, шахсни шакллантиришда ижтимоий муносабатларнинг ўрни, шахснинг ижтимоий-ахлоқий меъёрларга амал қилиш шартлари, комил инсонни тарбиялашда ўқитувчининг роли Шарқ мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус, Ҳусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоий, Абдулла Авлониёлар томонидан ўрганилган.

Педагогик таълимни ташкил этишнинг психологик хусусиятлари, олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, уларда касбий сифатларни такомиллаштириш масалалари М.Очилов, М.А.Абдуллажонов, О.А.Абдуллина, Х.Абдукаримов, Н.Н.Азизходжаева, Л.М.Митина, К.Ангеловский, Ф.Р.Юзликаев, В.И.Андреев, В.В.Анисимов, О.Г.Грохольская, Д.Н.Арзикулова, М.М.Ахмеджанов, В.А.Сластенин, Э.Б.Бозоров, О.А.Мусурмонова, Г.Я.Вавилова, Б.З.Вульф, М.Г.Давлетшин, Б.Р.Джураева, Ш.Н.Мажитова, Ш.Қ.Мардонов, А.Н.Маркова, Е.И.Пассов, Г.И.Махмутова, М.Ю.Маҳкамова,

С.И.Жалилова, Н.Очилова, Б.Х.Раҳимов, Н.М.Романенко, К.Ф.Тешабоева, К.Тиллаев, Б.М.Турдибаева, Х.А.Тўрақулов, М.М.Поташник, Н.Уринова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

П.Юсупова, Д.Абдурахимова, Х.Б.Туленова, Д.Р.Бобоева, В.И.Логинова, П.Р.Саморукова, В.И.Ядэшко, Ф.А.Сохина, Г.Х.Жумашева, Х.И.Касимова, М.Ш.Расулова, М.А.Солиҳова, К.С.Шодиева ва бошқалар томонидан мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг мазмуни, мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий, жисмоний ва психологик жиҳатдан тарбиялаш, уларда муомала маданияти ва нутқ кўникмаларини ҳосил қилиш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш муаммолари таҳлил этилган.

Ижтимоий педагогика асослари, ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни ва тамойили, ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш босқичлари, шакл, метод ва воситалари М.Қуронов, А.В.Мудрик, Н.Эгамбердиева, З.Қурбонниёзова, Л.И.Аксенова, Э.Аронсон, О.А.Колобов, П.В.Мигелева, Ф.А.Мустафаева, В.А.Никитин, В.Г.Дмитриева, Ф.П.Черноусова, И.В.Яркова, В.Д.Семенов, В.И.Курбатов, Е.И.Холостовалар томонидан очиб берилган.

М.Иномова, А.К.Мунавваров ҳамда О.Ҳасанбоеваларнинг ишларида эса оила педагогикасининг мазмуни, оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила аъзолари ўртасида ижтимоий муносабатларни ташкил этиш масалалари ёритилган бўлиб, мазкур ишлар мактабгача таълим муассасалари билан оилалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик асосида болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар томонидан олиб борилган тадқиқотлар мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда уларнинг психологик жиҳатдан камол топишлари ҳамда уларни салбий ижтимоий-психологик омиллардан муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб курс иши мавзусини « Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг педагогик хусусиятлари» деб белгиладик.

Курс иши мақсади: Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш орқали мазкур жараён мазмунини ёритиш ва илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Курс иши вазифалари:

1. Фалсафа, педагогика, психология ҳамда социология йўналишларида яратилган манбалар ҳамда хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-педагогик муаммоларни ҳал этишга доир тажрибаларини ўрганиш асосида Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш.
2. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг педагогик хусусиятларининг мазмунини ёритиш.
3. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришга таъсир этувчи омиллар ва улардан унумли фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

Курс иши объекти: Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштириш жараёни.

Курс иши предмети: Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг педагогик хусусиятлари, мазмуни ва шарт - шароитлари

Курс ишининг тузилиши: Кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.Боб Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг назарий асослари.

1.2. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштириш педагогик муаммо сифатида.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ислохотлар таълим тизимининг тубдан янгиланиши ҳамда мазмунан бойишини таъминлади. Жамиятда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда бир қатор янги ўқув фанларини ўқитишнинг йўлга қўйилганлиги эса шахсни давр талабларига мувофиқ тарбиялаб вояга етказиш имкониятини юзага келтирди. Илм-фан, техника ва технологиянинг тезкор ривожланиши, маиший турмуш шароитининг яхшиланиши, қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг бир-бирига яқинлашуви, инсон томонидан табиатга кўрсатилаётган салбий таъсир доирасининг тобора кенгайиши, ахборот-алоқа алмашувининг такомиллашуви, шунингдек, компьютер ва мураккаб техникалар хизматининг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида устувор ўрин тутиши кишилик муносабатларида ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Носоғлом турмуш кечириш (спиртли ичимликка ва гиёҳванд моддаларга рўжу қўйиш, тартибсиз жинсий ҳаёт), девиант хулққа эғалик, ижтимоий масъулиятсизлик кабиларни салбий ҳолатлар сирасида келтириш мумкин. Болаларни ҳозирги кунда рўй бераётган бндай салбий ҳолатлардан асраш учун уларни ҳаётга тўғри ижтимоийлашувини ташкил этиш лозим.

Ижтимоийлашув” сўзи дастлаб сиёсий иқтисодиётдан келиб чиққан. У сиёсий иқтисодиётда ер, ишлаб чиқариш воситаларининг умумлашуви маъносини англатган.

“Ижтимоийлашув” атамасини биринчи бўлиб инсонларга нисбатан қўллаган америкалик социолог Ф.Г.Кеддингс ҳисобланади. У “Ижтимоийлашув назарияси” (1987) китобида ҳозиргига яқин маънода

“ижтимоий табиат ёки индивид характери ривожлантириш, инсонни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдир” деган фикрни билдиради.

XX аср ўрталарида ижтимоийлашув инсон ривожланишини бутун умри мобайнида ўрганувчи фанлараро боғланувчи мустақил илмий соҳага айланди. Ижтимоийлашувнинг турли концепцияларининг таҳлили уни шартли равишда икки асосий ёндошувга ажратиш имконини беради:

1. субъектив-объектив. Унда инсонга жамият таъсирининг пассив истеъмомчиси сифатида қаралади (Э.Дюркгейм, Т.Парсонс)

2. субъектив-субъектив. Бунда ижтимоийлашув жараёнида инсоннинг фаол ўрни, унинг ҳаётий ҳолатларга таъсир этиш қобилияти назарда тутилади.

Жамият ва ижтимоий мослашув жараёнларини тушунишнинг ҳозирги талабларига иккинчи ёндашув кўпроқ мос келади, чунки замонавий фанда ижтимоийлашув инсоннинг маданиятни ўзлаштириш жараёнидаги ривожланиш ва ўзгариши билан аниқланади.

Боланинг ижтимоийлашуви, хусусан, инсоннинг ижтимоий мослашуви унинг билишга бўлган объектив эҳтиёжи жараёнида пайдо бўлади. Бироқ бу билан узвий равишда бола бошқа бир объектив эҳтиёж -ўзига хослигини намоён қилиш ҳисси ҳам шаклланади. Бола уни юзага чиқариш учун турли усул ва воситаларни қидира бошлайди ва бунинг натижасида унинг индивидуаллашуви рўй беради. Шахснинг фақат ўзига тегишли бўлган ижтимоий аҳамиятга эга хислатлари индивидуал тарзда намоён бўлади, унинг ижтимоий юриш-туриши такрорланмас жиҳатларга эга бўлади. Шундай қилиб, боланинг ижтимоий ривожланиши ўзаро боғлиқ икки йўналишда олиб борилади: ижтимоийлашув (ижтимоий маданий тажриба маданиятни ўзлаштириш) ва индивидуаллашув (мустақиллик, нисбий ўзига хосликни қўлга киритиш). Шу тарзда ижтимоийлашув тушунчаси замонавий фанда мослашув ва индивидуаллашув жараёнлари билан боғлиқ ижтимоийлашув жараёнининг мазмуни ташкил этади. Инсон(бола)нинг аниқ

бир жамият шароитларига мослашуви субъект ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро фаол яқинлашув жараёни ва натижасидир. (Ж.Пиа Же, Р.Мертож).

Ижтимоий мослашув эса ижтимоий муҳит талабларига инсоннинг муносабат билдиришидир. Шундай қилиб, ижтимоийлашув (мослашув) индивиднинг ижтимоий мавжудодга айланиш жараёни ва натижасидир.

Индивидуаллашув инсоннинг ҳали ёшлигидаёқ пайдо бўладиган объектив эҳтиёжлари билан боғлиқ жамиятдаги ўз-ўзини эгаллашидир. Бу эҳтиёж:

а) ўз қарашларига эга бўлиш;

б) ўзига хосликларига эга бўлиш;

в) унга тегишли бўлган масалаларни ҳал қилиш, унинг ўз даражасини аниқлаб олишига халақит берадиган ҳаётий ҳолатларга қарши туриш хоҳиши сифатида намоён бўлади.

Агар шахснинг жамиятга киришида ижтимоийлашув ва индивидуаллашув жараёнлари ўртасида тенглик юзага келса, инсоннинг жамиятга яқинлашуви рўй беради. Шу билан бирга бу ерда шахс ва муҳитнинг ўзаро таъсир этиши ҳам содир бўлади. Шундай қилиб, муваффақиятли ижтимоийлашув мослашув ва индивидуаллашув ўртасида мувозанат сақлангандагина амалга ошиши мумкин. Бу жараён уч асосий соҳада амалга ошади:

1. Фаолият турларнинг кенгайиши, унинг шакл ва воситаларини қўлга киритиш, эркин мўлжал олиш.

2. Мулоқот доирасини кенгайтириш, унинг мазмунини чуқурлаштириш, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш.

3. Шахсий “Мен” образини фаолиятнинг фаол иштирокчиси сифатида шакллантириш, ўз ижтимоий мансублиги ва ўрнини англаш, ўзига баҳо беришни шакллантириш.

I.2 Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштириш механизми.

Инсон ижтимоийлашуви у ёки бу жамият ижтимоий қатламларига хос бўлган универсал воситалар орқали амалга оширилади, уларга: гўдакни эмизиш ва ғамхўрлик қилиш усуллари, маиший ва гигиеник юриш-туриш қоидалари, инсонни ўраб турувчи моддий маданият маҳсулотлари, маънавий маданият унсурлари(алладан бошлаб эртақларгача), муомала усули ва мазмуни, шунингдек оилада жазолаш ва мукофотлаш услублари, инсоннинг ҳаётий фаолиятидаги кўп сонли муносабатлари-мулоқот, ўйинлар, маънавий-амалий фаолияти, спорт билан шуғулланиши киради.

Ҳар бир жамият, давлат, ижтимоий гуруҳ ижобий ва салбий, формал ва ноформал санкцияларни ман этиш, рухсат бериш, мажбурлаш чоратадбирларини ишлаб чиқади. Бу чоралар ёрдамида инсон хулқ-атвори шу жамиятда қабул қилинган меъёрий қадриятларга мослаштирилади.

Бола ижтимоийлашувининг етакчи воситалари: мулоқот (ота-оналар, тенгдошлар ва бошқалар билан) ҳамда фаолият (ўйин, ўқиш, ижод, спорт). Психологик-педагогик тадқиқотлар жараёнида турли ёш давларига турли фаолият турлари мос келиши аниқланган.

Боланинг меъёрида ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири мулоқот. Мулоқот ва фаолиятнинг етакчи турларига нисбатан қуйидаги ёш давлари қўлланилади::

1. гўдаклик даври-бевосита ҳиссий-руҳий;
2. гўдакликдан кейинги давр-предметли фаолият;
3. мактабгача давр-ролли ўйинлар;
4. илк мактаб даври-ўқув фаолияти;
5. ўсмирлик даври-касб таълими фаолияти;

6. ўспиринлик даври-шахсий мулоқот фаолияти.

Инсоннинг вояга етишида, унинг шаклланиш жараёнида, у бевосита муносабатда бўлган кишилар муҳим ўрин тутишади. Уларни ижтимоий педагогикага оид адабиётларда ижтимоийлашув агентлари деб ҳам номланади. Турли ёш давларида агентларнинг таркиби турли бўлади. Болалар ва ўсмирлар учун ота-она, ака-ука, опа-сингиллар, қариндошлари, тенгдошлари, қўшнилар агент бўлишлари мумкин. Ёшлик даврига келиб, агентлар қаторига турмуш ўртоғи, ҳамкасблари ҳам қўшилишлари мумкин. Ижтимоийлашувдаги тутган ўринларига, инсон учун қанчалик аҳамиятли эканлигига қараб агентлар ҳам фарқланади: фаол таъсир этувчи ва фаол таъсир кўрсатмайдиган.

Ижтимоийлашув механизмлари. Инсоннинг ижтимоийлашуви турли омиллар, агентлар билан ҳамкорликда ва бир қатор механизмлар асосида амалга ошади. Француз олими Габриэл Тард америкалик Ури Бронфенбрер, рус олимлари В.С.Мухина ва А.В.Петровскийларнинг тадқиқотлари ижтимоийлашув механизмларига турли ёндошувларни келтириб чиқаради. Мавжуд маълумотларнинг умумлаштирилиши қуйидаги механизмларни алоҳида ажратиш кўрсатиш имконини беради:

1. И.П.Подласый таснифи бўйича:

Бостириш механизми, унинг мазмуни муайян ғоя, фикр, хоҳиш, истакларни онгдан чиқариб ташлашдан иборат. Бу механизмнинг ташқи ва ички турлари мавжуд. Ички механизм ҳам ўз ўрнида ихтиёрий ва ғайри ихтиёрийга бўлинади. Ғайриихтиёрий механизм - унутишдир. Ихтиёрий бостириш механизми эса ирода кучи билан амалга оширилади. Ташқи бостириш механизми тарбиянинг кенг тарқалган усулидир;

Ажратиш механизми. Бу механизм ижтимоийлашув механизми сифатида инсон ўзи учун ёмон таассуротлардан воз кечиши билан боғлиқ. Ажратиш механизми одатда низоларни ҳал қилишда кузатилади

Ўз-ўзини чеклаш механизми. Бу механизм ижтимоийлашув жараёнида муҳим ўрин тутadi. Агар тарбияланувчига унинг ютуқлари дўстлариникидан кўра аҳамиятсизроқ туюлса, унинг ўз-ўзига ҳурмати пасаяди, ёмон ўқий бошлайди. Бу ўз “Мен”ини чеклаб қўйиш, қийинчиликлар олдида ожиз қолишдир. Баъзи ҳолларда ўз-ўзини чеклаш механизмини қўллашни оқласа бўлади. Чунки бу ҳолатда мослашув содир бўлиши мумкин. Бироқ узок муддатли ўз-ўзини чеклаш, ўз-ўзига баҳо беришнинг пасайишига олиб келади. Бунинг натижасида ўз салоҳиятини билмай туриб тарбияланувчи илк муваффақиятсизликдан сўнг бошлаган ишини ташлаб қўяди, оқимда суза бошлайди;

Лойиҳалаш механизмининг моҳиятини ўз камчиликларини бошқаларга тегишли деб ҳисоблаш ташкил қилади. Ўзига, бошқаларга қарши қаратилган салбий ҳиссиётлар билан инсон ўзига бўлган ҳурматни сақлаб қолади. Шубҳали инсон ҳаммадан гумонсирайди, худбин ҳаммани худбин ҳисоблайди;

Идентификациялаш ижтимоийлашувнинг яна бир асосий механизмидир. Идентификация жараёнида тарбияланувчи ҳаёлан ўзини ўртоқлари билан қиёслайди. Идентификация объекти нафақат реал инсонлар, балки тасаввурлардаги инсонлар ҳам бўлиши мумкин. Идентификациянинг тўлиқ, қисман, онгли, онгсиз турлари мавжуд.

идентификация механизми **интродекция** механизми билан жуда боғлиқ. Бунда бошқаларнинг хислатлари ўзгармаган ҳолда ўзлаштириб олинади. Гарчи бу механизм ҳаёлан амалга оширилса ҳам унинг натижаларини англаб олиш қийин эмас;

Эмпатия механизми, яъни бошқа одамнинг ҳиссий ҳолатига ҳамдард бўлиш. Шахснинг муаммо, қийинчиликларини енгилга ёрдам бериш ҳиссиётга бой шахсларнинг ижтимоийлашувида муҳим аҳамиятга эга;

Интеллектуаллашув механизмида катта ёшдаги тарбияланувчи абстракт фикрлай бошлайди ва вазиятдан чиқиб кетиш йўлини ўзи учун эмас, гўёки бошқа одам учун қидириётгандек туюлади. Бу механизм тарбияланувчи ҳаётий муҳим муаммоларга (касаллик, бошқа мактабга ўтиш, институтга кириш) дучор бўлганда намоён бўлади.

Ҳаракатларни бекор қилиш механизми фикр, хиссиёт, ҳаракатларни сусайтириш учун қўлланилади. Тарбияланувчи кечирим сўраганида, унинг ҳаракатлари кечирилиши ва соф виждон билан ҳаракат қила бошлашига ишонади. Кўп шахслар шу тарзда комилликка эришишади.

2. И.В.Мудрикнинг фикрича психологик ва ижтимоий психологик механизмларга қуйидагиларни киритса бўлади:

Импринтинг (хотирада сақлаб қолиш)-инсонга таъсир қиладиган ҳаётий муҳим объектларни эслаб қолиши. Бу механизм одатда гўдаклик даврида кўп қўлланилади. Бироқ кейинги ёш даврларида ҳам импринтингни кузатишимиз мумкин.

Экзистенциал босим механизми-тилни ўзлаштириш ва ўзаро муносабатга киришганда керак бўладиган ижтимоий хулқ-атвор нормаларига англамаган ҳолда эга бўлиш.

Тақлид - бирор-бир “намуна”га ўхшаш учун ҳаракат қилиш. Бу ҳолат инсоннинг ижтимоий тажриба тўплашининг ихтиёрий ва асосан ихтиёрсиз йўлларида биридир.

Рефлексия механизми - ички суҳбат. Унда инсон жамиятнинг турли институтлари, оила, тенгдошлар жамоаси, обрў-эътиборли шахсларга хос хусусиятларга баҳо беради, уларни кўриб чиқади ёки инкор этади. Рефлексия инсоннинг турли “мен” образлари орасидаги реал ва ҳаёлий шахсларнинг ички суҳбатидир. Бу механизм ёрдамида инсоннинг шаклланиши рўй беради.

Бундан ташқари ижтимоийлашувнинг ижтимоий педагогик механизмларига қуйидагиларни ҳам киритса бўлади:

1. Анъанавий механизми инсон томонидан оила, атроф-муҳит, қўшнилар, ўртоқларига хос норма, қараш стереотипларини ўзлаштиришни кўзда тутади. Бу ўзлаштириш онгсиз ҳолатда амалга ошиб, таассуротлар ёрдамида содир бўлади.

2. Институционал механизм инсоннинг жамият институтлари ва турли ташкилотлари билан ўзаро муносабати жараёнида кузатилади. Бу жараёнда инсон турли билим ва тажрибаларни тўплаши мумкин.

II.Боб Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг педагогик омиллари.

II.1 Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришнинг аҳамияти.

Ижтимоийлашув болалар, ўсмирлар, ёшларларнинг ривожланишига таъсир қилувчи кўп сонли шарт-шароитлар билан ўзаро муносабатида юзага келади. Инсонга таъсир қилувчи бу шароитлар омил дейилади. Аслида уларнинг ҳаммаси ҳам аниқланмаган. Ўрганилган омиллар ҳақида билимлар етарли эмас. Ижтимоийлашувнинг омиллари икки гуруҳга бўлинади: ташқи ва ички.

Ташқи омилларга қуйидагилар киради.

1. Мегаомиллар (мега-энг катта)-космос, ер шари, планетар жараёнларни киритса бўлади.

2.Макроомиллар (макро-катта)-давлат, халқ, жамият, шунингдек буларга демографик, ижтимоий, сиёсий, экологик, яъни ернинг барча аҳолисининг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатадиган омилларни киритилади.

3. Мезоомиллар (мезо-ўрта)-худуд ва яшаш жойи оммавий алоқа тармоқлари, у ёки бу субмаданиятга тегишлилигига кўра ажратилган гуруҳларнинг ижтимоийлашуви шарт-шароитлари. Мезоомиллар этник қурилмаларни шакллантириш жараёнига, минтақавий шароитларга, шу худуднинг ОАВларига таъсир қилади.

4. Микроомиллар, яъни муайян шахсларга таъсир қилувчи омилларга - оила, қўшнилари, тенгдошлар гуруҳлари, тарбия муассасалари, турли ижтимоий, диний, давлат, хусусий ташкилотлар киради.

Шахс туғилганидан бошлаб ривожланадиган муҳит **социум** ёки **микросоциум** дейилади.

Ташқи ижтимоий омиллардан ташқари ички биологик омиллар ҳам мавжуд. Уларни бир-биридан мустақил ўрганишнинг иложи йўқ. Замонавий илмий назарияларда шахс ривожланишининг асосий омиллари сифатида биологик ва ижтимоий омиллар ажратиб кўрсатилади.

Биологик омиллар. Биологик ирсият инсонни инсон қилувчи умумий жиҳатларини аниқлайди. Ирсият деганда ота-оналардан болаларга турли белги, ўхшашлик, хусусиятларнинг ўтиши тушунилади. Ирсиятга кўра болага ота-онасидан инсон организми, асаб тизими, мия ва ҳис-туйғу органлари, шунингдек, қомат тузилиши, соч, тери ранги ўтади. Булар инсонни бошқа инсонлардан ажратиб турувчи ташқи омиллар ҳисобланади. Шунингдек ирсият бўйича нерв фаолиятини ривожлантирадиган нерв хусусиятлари ҳам ўтиши мумкин. Ирсият боланинг табиий хусусиятлари асосида бирор-бир фаолият соҳасида муайян қобилиятларининг шаклланишини кўзда тутди. Психологик маълумотларга кўра, қобилият инсоннинг табиий хусусияти бўла олмайди. Бола қобилиятларининг намоён бўлиши унинг ҳаёт, таълим-тарбия жараёнларига боғлиқ.

Ота-онадан болага ўтувчи бир қатор касалликлар мавжуд. Масалан: қон касалликлари, шизофрения, эпилепсия, даун касаллиги ва бошқалар. Бу касалликларни гинетика фани ўрганади.

Ҳозирги пайтда бола ривожланишига экологик муҳит, атмосферанинг бузилиши каби ташқи омиллар ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида жисмоний нуқсонли бўлиб туғилаётган болалар сони кўпаймоқда. Бундай болаларнинг муомалага киришиши ва фаолият юритиши ниҳоятда оғир кечади. Шунинг учун уларга ўқитишнинг янги методлари жорий қилинмоқда ва бу методлар уларнинг ақлий ривожланишга эришишларига ёрдам беради. Жисмоний нуқсонли болалар билан махсус педагоглар шуғулланишади. Бу болалар ўз тенгқурлари билан муомалага киришганларида жиддий муаммоларга дуч келишади. Бу эса уларнинг жамиятга интеграциялашувларини қийинлаштиради. Шунинг учун бундай

болалар билан ижтимоий педагогик иш олиб боришнинг асосий мақсади болага ташқи олам билан алоқа қилиш каналларини очишдир.

Ижтимоий омиллар. Инсоннинг биологик мавжудотдан ижтимоий субъектга айланиши унинг ижтимоийлашуви, жамиятга интеграцияси натижасида содир бўлади. Бу жараён шахснинг ижтимоий аҳамиятга эга хислатлари асосида шаклланадиган қадрият, ижтимоий норма, ҳуқ-атвор намунаси орқали амалга ошади.

Ижтимоийлашув инсоннинг бутун ҳаёти давомида кечадиган кўп қиррали жараёндир. У айниқса болалик ва ёшлик даврида ниҳоятда жадаллик билан кечади. Чунки айнан болаликда асосий ижтимоий меъёрлар ўзлаштирилади.

Бола ижтимоийлашувида социум муҳим аҳамиятга эга. Бу ижтимоий муҳитни бола аста-секинлик билан ўзлаштиради. Агар бола туғилгандан кейин асосан оилада ривожланса, унинг кейинги ривожланиши турли муҳитлар - мактабгача таълим муассасалари, мактаб, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, турли кўнгилочар масканларда кечади. Ёш ўсиб борган сари ижтимоий муҳит “ҳудуди” кенгайиб боради. Бола қанчалик кўп муҳитларни ўзлаштира, у шунчалик кенг доира ҳудудини эгаллашга ҳаракат қилади. Бола доимо ўзи учун қулай бўлган уни яхши тушунадиган, унга ҳурмат билан муносабатда бўладиган муҳитни излашга уринади. Шунинг учун у бир муҳитдан бошқа муҳитга кўчиб юради. Муҳит боланинг шаклланишида, унинг ижтимоий тажриба тўплашида ижтимоийлашув жараёни учун муҳим аҳамиятга эга.

Муҳит тушунчаси турли фан вакиллари-социологлар, психологлар, педагогларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Улар муҳитнинг бунёдкорлик салоҳияти ва бола шаклланиши, ривожланишидаги таъсирини ўргандилар.

Ижтимоийлашув жараёнида муҳитнинг ўрни. Ижтимоий педагогикада жамият, ижтимоий муҳит авваламбор боланинг янги муҳитларга интеграциялашуви нуқтаи назаридан ўрганилади. Шу нуқтаи

назардан инсон ва унга таъсир қилувчи ташқи омилларнинг жамиятдаги ўзаро муносабати ҳамкорлик характериға эға эканлиги муҳимдир. Муҳит-инсон киришиши, ўзини қулай сезиши учун жойлашувинигина етарли билиши лозим бўлган кўча, уй ва бошқа нарсалар эмас. Балки, муҳит бу алоҳида ўзаро муносабатлар тизими ва қоидалари билан характерланадиган инсон жамоалари ҳамдир. Шунинг учун инсон муҳитға янгилик киритади, муайян даражада таъсир қилади ҳамда ўзгартиради ва ўз ўрнида муҳит ҳам инсон олдиға ўз талабларини қўяди. У инсонни, унинг хатти-ҳаракатларини қабул қилиши ҳам, инкор қилиши ҳам мумкин. Муҳитнинг инсонға муносабатини инсоннинг юриш-туриши, унинг талабларига қанчалик жавоб беришиға қараб аниқласа бўлади. Инсоннинг хулқ-атвори унинг жамиятда тутган ўрни билан белгиланади.

Инсон жамиятда бир вақтнинг ўзида бир қанча мавқеларни эгаллаши мумкин. Масалан, аёл ҳам рафиқа, ҳам она, ҳам устоз мавқеларини эгаллаши мумкин. Ҳар бир мавқе инсонға муайян талабларни қўяди ва шу билан бирға унга бир қанча ҳуқуқларни беради. Инсоннинг жамиятдаги муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан характерланадиган мавқеи ижтимоий мақом дейилади. Инсонда туғма мақомлар бўлиши мумкин. Инсоннинг ижтимоий мақомига миллати, туғилган жойи, фамилияси ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай мақомларға одатда туғма мақом дейилади. Бошқалари эса инсон жамиятда нималарға мустақил эришганлигига қараб белгиланади. Масалан, ижтимоий педагог мақомига шу соҳадаги касб тайёрловчи ўқув муассасасида таълим олган ва бу соҳа бўйича дипломға эға бўлган шахс эришиши мумкин. Юқоридаги мақомни қўлга киритилган мақом десак адашмаган бўламиз.

Мақом инсоннинг жамиятдаги хулқ-атворини муайян вазиятларда ўзини шу мақомдагилар ҳолатига кўра белгилайди. Атрофдагилар у шахсдан нима кутишлари ҳам муҳимдир. Шунинг учун инсон мақоми билан белгиланадиган хулқ-атвор ижтимоий роль дейилади. Турли ижтимоий

роллари ўзлаштириш шахс ижтимоийлашуви жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг мураккаблик жиҳати шундаки, жамиятда фақат жамият томонидан маъқулланадиган мақомлар бўлмасдан ижтимоий норма ва қадриятларга мос келмайдиган мақомлар ҳам мавжуд. Шунинг учун бола шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ҳам ижобий, ҳам салбий роллари ўзлаштириши мумкин.

Позитив ролларга аввало оила аъзосининг ролини киритсак бўлади. Оилада бола бундай ролларнинг бир нечтасини ўзлаштиради: ўғил ёки қиз, ака ёки опа, жиян, набира, шунингдек, бобокалонлари билан ҳам танишиши мумкин.

Бола ўз ривожланиши давомида ўзлаштирадиган яна бир муҳим роли бу жамоа аъзоси ролidir. Болалар боғчаси ва мактабда, спорт тўғрарида тенгқурлари билан муомала қилганда, бола жамоа аъзоси, ўртоқ, дўст, ўқувчи, етакчи каби роллари ўзлаштиради. Ҳар бир инсон истеъмоли ролини бажаради. Чунки у ҳаёти мобайнида зарур бўлган нарсаларга доим эҳтиёж сезади. Булар: овқат, кийим-кечак, китоб ва бошқалар. Жамият инсонга тақдим этган хизматлардан оқилона фойдалана олиши бола ёшлигидаёқ ўзлаштириши лозим.

Яна бир муҳим ижтимоий рол-ўз ватани фуқароси бўлиш, уни севиш, у билан фахрланиш, ватанпарвар бўлиш билан боғлиқдир. Шу билан бирга бола ўзлаштириши мумкин бўлган бошқа роллар ҳам бор. Масалан, мутахассис роли. Уни бола мактаб, лицей ёки бошланғич касбий билим юртларида ўзлаштиради. Салбий ролларга дайди, тиланчи ролларини мисол қилсак бўлади. Катта шаҳар кўчаларида, магазин, бозор, жамоа транспортларида тиланчи болалари ҳам учратишимиз мумкин. Улар бу ролларга кўникишган. Ўтган-қайтганлардан моҳирлик билан пул ундириб олишади. Улар орасида ўғирлик билан шуғулланадиганлари ҳам учрайди. Баъзи ҳолларда бўлса, уларни бу ишга катталар ундашади.

Боланинг хулқ-атвор механизмларини ўзлаштириши унга ижтимоий муносабатларга муваффақиятли мослашувини таъминлайди. Ижтимоий мослашув деганда шахснинг ижтимоий муҳит шароитларига кўникиши тушунилади.

Ижтимоий мослашув боланинг муваффақиятли ижтимоийлашувининг шarti ва натижаси ҳисобланади. Бу асосан уч йўналишда олиб борилади: фаолият, мулоқот ва англаш. Фаолият соҳасида болада фаолият турларининг кенгайиши, фаолиятнинг зарурий шакл ва воситаларини қўлга киритиши, муомала доирасининг кенгайиши, унинг мазмунининг чуқурлашиши, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириши содир бўлади. Англаш соҳасида ўз “Мен”и образини шакллантириш, ўзининг ижтимоий мансублик ва ижтимоий ўрнини англаш рўй беради. Бу жараёнларнинг барчасини тарбия тартибга солади.

II.2 Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасига ижтимоийлаштиришда тарбиявий иш тизим.

Замонавий жамиятда ижтимоий институтларнинг бир бутун тизими мавжуд. Ижтимоий институт жамият аъзоларининг ижтимоий ресурслардан фойдаланиш жараёнида вужудга келган у ёки бу эҳтиёжларини (иқтисодий, сиёсий, маданий, диний ва бошқа) қондириш учун биргаликдаги фаолиятларининг тарихан шаклланган шаклидир. Тарбия ижтимоий институт сифатида жамият аъзоларининг ижтимоийлашувини амалга ошириш, маданий ва ижтимоий қадриятларини тарғиб этиш, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун шароит яратиш умуман олганда жамиятнинг фаол аъзоларни етиштириш учун пайдо бўлган. Тарбия ижтимоий институт сифатида муайян жамиятнинг муайян ривожланиш босқичида пайдо бўладиган феномен ҳисобланади.

Сўнгги ўн йилликлар давомида педагогика ва бошқа фанларда ижтимоийлашув ва тарбия тушунчаларининг ўзаро муносабати кенг муҳокама қилиб келинмоқда. Давлат мафкурасининг ўзгариши сабабли бу муаммога алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга баъзи муаллифлар тарбияни ижтимоийлашув билан алмаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Бошқалари тарбияни бола ижтимоийлашувининг бир қисми сифатида ўрганишади. Баъзи олимлар эса ижтимоийлашув деганда, фуқаровий ва ахлоқий тарбияни тушунишади. Тўртинчи гуруҳ олимлари шахс ижтимоийлашувини тарбиянинг асосий мақсади деб ҳисоблашади. Бироқ тарбия бола ижтимоийлашувининг асосий омилларидан бири эканлигини ҳамма тан олади. Тарбиянинг асосида ижтимоий ҳаракат бўлиши, уни ижтимоийлашувдан фарқлайди. Ижтимоийлашув тушунчасини фанга киритган Макс Веберг уни муаммоларни ечишга қаратилган ҳаракат, инсон хулқ-атворининг тахминий вариантларини субъектив англаш сифатида таърифлаган.

Умуман олганда, ижтимоийлашув узлуксиз жараёндир, яъни инсон доимо жамият билан муносабатда бўлади. Тарбия эса дискрет (узлукли) жараёндир. Чунки у муайян ташкилотларда амалга оширилиб, замон ва маконда чекланган бўлади. Тарбия педагогиканинг асосий категорияларидан биридир. Шунга карамай, тарбиянинг умумэътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Бунга унинг кўп маънолилигини сабаб қилиб кўрсатсак бўлади. Тарбияни ижтимоий ҳодиса, фаолият, жараён, қадрият, тизим, таъсир, ўзаро муносабат сифатида кўриб чиқсак бўлади. Бу тушунчаларнинг ҳеч қайсиси тарбия мазмунини алоҳида олган ҳолатда тўлиқ очиқ бера олмайди.

Қуйида ижтимоийлашувнинг нисбатан ижтимоий назорат қилинувчи жараёнга хос бўлган умумийлигини акс этишга ҳаракат қилинган тарбиянинг таърифи келтирилган. Бироқ унда оилавий, диний, ижтимоий тарбиянинг хусусиятлари инобатга олинмаган. А.В.Мудрик қуйидаги таърифни илгари суради:

Тарбия – инсоннинг жамиятга кўникишига кўмаклашувчи ва бу кўникиш содир этиладиган гуруҳ ва ташкилотларнинг хусусиятларига мос келувчи шароитлар яратувчи инсоннинг онгли ривожланиши. Бу таърифни ҳам тўлиқ ва бутунлай тўғри, деб бўлмайди. Унда муаллифнинг нуқтаи назари ўз аксини топган.

Ижтимоий омилларнинг инсонга таъсир кўрсатишининг таркибий қисми бўлган тарбия ўз хусусиятларига эга. Бу жараён бошқаларидан фарқли равишда доимо бир мақсад сари йўналтирилган ва бу фаолият махсус тайёрланган одамлар томонидан амалга оширилади. Тарбия жараёнида бола ижтимоийлашувига таъсир қилувчи бошқа омиллар- муҳит, ОАВ, маданиятлар инобатга олинади. Бироқ шуни эсда тутиш лозимки, тарбия бошқа ижтимоий омиллар ичида ўз ўрнига эга бўлиб бошқа омилларнинг ўрнини тўлиқ тўлдира олмайди ҳам, бекор қила олмайди ҳам.

Тарбиянинг бола ривожланишига таъсири вақт ўтган сари ўзгаради. Бола қанчалик кичик бўлсин, тарбия унинг шаклланишига шунча кўп таъсир кўрсатади. Вақт ўтгани сайин тарбиянинг ҳиссаси камайиб боради. Бу вақтда боланинг у ёки бу ижтимоий қадриятни танлашдаги мустақиллиги ортади.

Борган сари ташқи тарбиявий омилларнинг таъсири камаяди. Бироқ бошқа бир жараён – ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ривожлана бошлайди. Боланинг ўз шахсини мукаммаллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш бўйича мустақил фаолиятини англаши ортади. Маълумки, ўз-ўзини тарбиялашга эҳтиёж шахс ривожининг энг юксак шакли ҳисобланади. Бизнинг моделга биноан инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаши эҳром бунёд этиш билан баробардир. Шунинг учун ўз-ўзини тарбиялаш жараёни бир умрга чўзилади.

Тарбия ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқа ижтимоий омилларнинг (маданий, диний, тарихий анъаналар, ОАВ, мактаб жамоаси, дўстлар, болалар боғчаси ва бошқалар) ижобий таъсири натижасида боланинг жамиятга интеграциялашувининг табиий жараёнини содир этади. Ижтимоий муҳитнинг таъсири қанчалик турли бўлса, бола ундан шунча эркин ва мустақил бўлади.

Бола ижтимоийлашуви унинг жисмоний ва руҳий ривожланишининг салбий хусусиятлари билан қийинлаштирилиши, боланинг ижтимоий меъёр ва қадриятларни ўзлаштирилиши муҳитнинг салбий таъсири оқибатида нотўғри йўналишда кетиб қолиши мумкин. Бунинг натижасида бола меъёрий ижтимоий муносабатлардан четда қолиб, махсус ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Бундай болаларнинг ижтимоийлашув жараёни, аввало, тарбия орқали амалга ошади. Бироқ бунинг учун ҳар бир тоифа болаларнинг ижобий жиҳатларини фаоллаштирувчи тарбия методлари ва технологияларини ишлаб чиқиш лозим.

Умуман олганда, тарбиячи ва мутахассисларнинг вазифаси қийин вазиятларда турган боланинг ижтимоий мослашувига қаратилган, яъни

жамиятда қабул қилинган қонун ва меъёрларга фаол кўникиши ёки салбий омилларнинг оқибатларини енгишдир.

Агар шахсда ижтимоий муҳит солбий сифатларининг шаклланмаган даражаси болага ижтимоий муҳитга кўникишга халақит берадиган ҳолат бўлса, боланинг ижтимоий мослаша олмаслиги содир бўлади. Бу ҳолатда бола томонидан йўқотилган ижтимоий алоқалар ва муносабатларни тиклашга қаратилган махсус чора-тадбирларни қўллаш тавсия этилади.

Шундай қилиб, боланинг жамиятда ўсиши, ривожланиши жараёнида унинг ижтимоийлашуви содир бўлади. Агар бу жараён содир бўлмаса, унинг акси-дезадаптация кузатилади. Бундай ҳолатда боланинг ижтимоий реабилитациясига эҳтиёж туғилади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Боланинг ижтимоийлашуви микроомилларнинг таъсирида, тенгдошлари ва катталар (оила, қўшнилари, микрожамият, тарбия ташкилотлари) билан ўзаро муносабатларида рўй беради. Ижтимоий тарбия бир томондан жамоаларда амалга оширилади, бошқа томондан эса болалар ва ўсмирлар жамоа ҳаётига объектив зарурият сифатида кириб боради.

Жамоа тарбиянинг энг муҳим воситаси эканлиги ҳақидаги гоё жуда қадимда пайдо бўлган, унинг назарий асослари эса XIX асрдан бошлаб педагогик нуқтаи назардан жадаллик билан ишлаб чиқилган. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида реал ҳаётдаги инсон ижтимоийлашуви муаммолари ва инсоннинг ўзгариб турувчи дунёга кириши жамоавий таълимни ижтимоий тарбиянинг етакчи ташкилий асоси деб ҳисоблашга замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси /Тузувчилар Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. Нашр учун масъул: Т.Рисқиев. – Т.: Шарқ НМК Бош тахририяти, 1999. – 182 б.
2. Каримов. И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 62 б.
3. Каримов. И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
4. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 138 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997. – Б. 20-29.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 31-61.
9. Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: 1997. – 46 с.
10. Абдуллаев Ю. Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил /Масъул муҳар. С.С.Ғуломов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 288 б.
11. Абдуллаев Ю.Н. Хорижий олий таълимнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари: тажриба ва тараққиёт тамойиллари: Пед.фанл.докт. ... дисс. – Т.: 2000. – 310 б.

12. Абдуллажонов М.А. Формирование профессиональных качеств будущего учителя в процессе обучения в педвузах: Автореф.дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 1991. – 21 с.
13. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования /Для пед.спец.высш.учеб.зав. 2-е изд., перер. и доп. – М.: Просвещение, 1990. – 141 с.
14. Абдурахимова Д. Мактабгача тарбия ёшдаги болаларни ахлокий рухда тарбиялашда халқ эртақларидан фойдаланиш: Пед.фан.ном. ... дисс. автореф. – Т.: 1998. – 18 б.
15. Азизходжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане: Автореф.дисс. ... докт.пед.наук. – М.: 1991. – 35 с.
16. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000. – 52 б.
17. Аксенова Л.И. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Академия, 2001. – 191 с.
18. Ангеловский К. Учителя и инновации / Книга для учителя. Перевод с македонского В.П.Диденко. – М.: Просвещение, 1991. – 158 с.
19. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. – Казань, КГУ, 1996. – 567 с.
20. Анисимов В.В., Грохольская О.Г. Подготовка будущих учителей по предметом педагогического цикла // Ж. Педагогика. – М.: 2000. №9. – С. 54-60.